



2016 йил «24» сентабр

№ 636-4

Тумандаги Оксой маҳалла фуқаролар  
йиғини Уйруғул қишлоғи ҳудудидан  
янги сув иншооти (қудуқ) ва 3,0 км  
узунликдаги сув тармоғини қуриш учун  
ер майдони танлаш ва ажратиш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил  
14 февралдаги 05-23-33-сонли йиғилиш баъни ижросини таъминлаш мақсадида  
ҳамда Оксой маҳалла фуқаролар йиғини Уйруғул қишлоғи ҳудудидан янги сув  
иншооти (қудуқ) ва 3,0 км узунликдаги сув тармоғи қуриш учун ер танлаш  
тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини танлаш  
масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг далолатномасини кўриб  
чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Оксой маҳалла фуқаролар йиғини Уйруғул қишлоғи  
ҳудудидан янги сув иншооти ва 3,0 км сув тармоғи қурилиши учун жами  
0,39 га, шу жумладан доимий фойдаланиш учун 0,09 га, вақтинча фойдаланиш  
учун 0,3 га ер майдони танлаш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер  
участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг  
далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги Оксой маҳалла фуқаролар йиғини Уйруғул қишлоғи  
ҳудудидан янги сув иншооти ва 3,0 км сув тармоғи қурилиши учун туман  
ҳокимлиги ҳисобида бўлган ер майдонидан 0,09 га ер майдони доимий ва 0,41 га  
ер майдони вақтинчалик ажратилсин.

4. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га ва туман ер ресурслари ва  
давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)ларга ажратилган ер майдонларини  
жойнинг ўзида (натурада) белгилаб, ўлчаб бериш ва далолатнома тузиш,  
қурилиш монтаж ишларини доимий назорат қилиб бориш "Сувоқова" ДУК  
Нурабад туман филиали бошлиғи (А.Ахмедов)га топширилсин.

